



ФАХРУДДИН АР-РОЗИЙНИНГ БАЛОҒАТ ИЛМИГА ОИД БАЪЗИ ҚАРАШЛАРИ

ШАКИРОВА ЗУЛФИЯ

Ўқитувчи, Ўзбекистон халқаро Ислом академияси

Аннотация. Ушбу мақолада энциклопедик олим Фахруддин ар-Розийнинг ҳаёти ва ижоди, унинг шогирдлари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, унинг “Балогат илми”га оид ёзган асарларидаги айрим масалалар юзасидан қарашлари таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Фахруддин ар-Розий, ал-Журжоний, балогат илми, наҳв, мубтадо, хабар, мажоз, фойил.

Аннотация. В статье приводятся сведения о жизни и деятельности учёного-энциклопедиста Фахр ад-дина ар-Рази, а также его учениках. На основе его произведения рассматриваются некоторые взгляды учёного по стилистике.

Опорные слова и выражения: Фахруддин ар-Рози, ал-Журжани, риторика, стилистика, синтаксис, сказуемое, подлежащее, причастие действительного залога.

Abstract. In this article given information about encyclopedic scholar Fakhriddin Ar-Razi's life and works and his disciples. In addition, Ar-Razi's views about some issues which were mentioned in his book about "The knowledge of adolescence" were analysed.

Keywords and expressions: Fakhriddin ar-Razi, al Jurjani, rhetoric, stylistics, syntax, predicate, subject, participle of the actual pledge.

Араб тили ва адабиётига оид бўлган илмлар ичида “Балогат илми” алоҳида ўринга эга. У “Қуръон тилининг жозибалилиги” га бағишланган китоблар асосида вужудга келган. Бу илм ўзининг моҳияти жиҳатидан *риторика-красноречие*, сўзамоллик, ўринли ва чиройли гапириш илмига яқин бўлиб, риторикадан кўра кўпроқ соҳани, хусусан, стилистикани ҳам ўз ичига олади.

“Балогат илми”га бағишланган биринчи китоб “كتاب البديع”ни Абдуллоҳ ибн ал-Муътаз ёзган. Ундан кейин эса қатор олимлар бу илмни кенгайтириб ва чуқурлаштириб бордилар. Бу олимлардан энг машҳурлари: Кудам бин Жаъфар, Абдул Қохир ал-Журжоний, аз-Замахшарий, Абу Яъқуб Юсуф ас-Саккокий, Абул Хилол ал-Аскарий, Рашидуддин ал-Қийраваний ва бошқалардир¹. Ана шундай “Балогат илми”нинг ривожига улкан ҳисса қўшган олимлардан бири Муҳаммад бин Умар ибнал Хусайн бин Али Фахруддин ар-Розийдир.

Ислом маданияти тарихига оид манбаларда келтирилишича, Фахруддин ар-Розий “Хужжат-ул-ислом” мартабасига етган имом ал-Ғаззолийдан сўнг дунёга келган энг йирик ислом мутафаккири бўлган. Унинг тўлиқ номи Муҳаммад бин Умар ибнал Хусайн бин Али Абу Абдуллоҳ Фахруддин ар-Розий бўлиб, ҳижрий 544 йилда ҳозирги Эрон ҳудудидаги Рай шаҳрида таваллуд топган бўлиб, айрим манбаларда унинг таваллуд йили 543 йил деб ҳам кўрсатилган².

Фахруддинга дастлабки тарбияни отаси беради. Отасининг вафотидан сўнг у ал-Камол ас-Сумноний, ал-Маждул Жийлий каби ўз замонасининг машҳур олимларидан дарс олади. Кейинчалик илмини чуқурлаштириш мақсадида Хоразмга сафар қилди ва бу ерда кўплаб олимлардан таълим олиб, ўзи ҳам йирик олим сифатида танила бошлайди. Ар-Розий 580 ҳижрий йилнинг охирларида Бухорога йўл олади. Бухорода бир муддат яша-

¹ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. VI том. – М.-Л., 1956. – С. 12.

² Таха Жабир ал-Алвани. Ал-имам ар-Разий ва мусаннафатуху. Дар ас-салам, 2010. – Б. 32.

гач, у Самарканд, Хўжанд, Банокаат, Марв, Ғазна шаҳарлари ва Ҳиндистонга сафар қилди. Сўнгра яна Бухорога қайтиб келди. У қаерда бўлмасин, ҳар хил мазҳабдаги уламо-лар, дин пешволари билан учрашиб, улар билан қизгин мунозаралар қилар эди. Ўтказилган баҳсларда у деярли ҳар доим ғолиб чиқар ва шу сабабли бир тарафдан обрўси ортиб борса, иккинчи тарафдан рақиблари кўпайиб борарди. Баъзан илмий мунозарада енгилган рақиблар у билан ошкора ёвлашиб ҳам қолар эдилар. Шундай ҳодисалар кўпайгани туфайли у Бухорони тарк этиб, киндик қони тўкилган Рай шаҳрига қайтади. Бомий амираи Султон Баҳоуддин билан учрашади. Унга иззат икром кўрсатилиб, Ҳирот масжиди яқинида бир мактаб куриб берилади. Бу мактабда у шогирдларига дарс бериш билан бир қаторда ўша замоннинг кўплаб етук олимлари билан учрашиб, илмий мунозаралар олиб боради. Аллома умрининг сўнгги йилларида Ҳиротда яшаб, “Шайх-ул-ислом” унвонини олишга муяссар бўлди. Ривоятларга қараганда, ар-Розий душманлари томонидан хижрий 606 йилда заҳарлаб ўлдирилган¹.

Тарихчилар Фаҳруддин ар-Розийни “Барча илм-фанларнинг билимдони” деб таърифлашган. У физика, математика, тиббиёт, астрономия, фалсафа, балоғат ва бошқа илмларга оид кўплаб асарлар яратган қомусий олимлардан биридир. Унинг асарларининг сони манбаларда турлича кўрсатилган. Масалан: ал-Имод ал Исфохонийда 11 та, Ас-Субкийда 23 та, ал-Кифтийнинг “أخبار العلماء” китобида 60 та, Ибн Абу Усайбанинг “الأنبياء عيون” китобида 68 та, Ибн Касирнинг “الجامع المختصر” китобида тақрибан 200 та дейилган. Бизнинг олимлар томонидан чиқарилган манбаларнинг бирида унинг китоблари 160 та дейилган². Олимнинг Ўз ФА

Беруний номли Шарқшунослик институтида куйидаги асарлари сақланаяпти:

1. حدائق الأنوار في حقائق الأسرار.
2. نهاية العقول.
3. وصيت نامی رازی.
4. لطائف الغيائية.
5. مفاتيح الغيب- التفسير الكبير.
6. مسائل في الطب.
7. المباحث المشرفية.
8. شرح الإشارات.
9. شرح الإشارات والتنبيهات.
10. سر المكنوم.
11. رسالة الكمالية في حقائق الالهية.
12. رسالة في التوحيد.
13. رسالة في التنبيه على بعض الأسرار المودعة في بعض السور.
14. رسالة في تحقيق كلمة لا اله الا الله.
15. جامع العلوم.
16. أسرار التنزيل.

Ар-Розий ўзи бўлган барча юртларда кўплаб шогирдлар орттирган. Унинг сабоқлари кўплаб олимларни жалб қилар эди. Манбаларда кўрсатилишича, унинг дарсларига баъзан 800 та ва ундан ортиқ одам йиғилар эди. У фалсафа, илоҳиёт, фикх, табобат, кимё, нахв, адабиёт, тафсир, тарих илмларидан сабоқ берарди. Унинг шогирдлари орасида Афдалуддин ал-Хунажий, Шамсуддин ал-Хуий, Асийруддин ал-Абхарий, Нажмиддин Кубро, Тождуддин ал-Армавий, Шамсуддин ал-Хусравшохий, Султон Шаҳобуддин (Ғазна ҳукмдори) бўлган. Буларнинг барчаси ўз замонасида етук олим сифатида танилганлар³.

Бизнинг юртимизда Фаҳруддин ар-Розийнинг асарлари ҳали тўла ўрганиб чиқилмаган. Асосан, унинг фалсафий ва мантикий қарашлари ўрганилган. Жумладан, Наимов Н. 1970 йилда Самарқандда “Фаҳруддин ар-Розийнинг фалсафий ва мантикий дунёқараши” мавзуида номзодлик ишини ёқлаган.

¹ Таҳа Жабир ал-Алвани. Ал-имам ар-Разий ва мусаннафатуҳу. Дар ас-салам, 2010. – Б. 66.

² Из философского наследия народов Ближнего и Среднего Востока. – Т., 1972. – Б. 200.

³ Таҳа Жабир ал-Алвани. Ал-имам ар-Разий ва мусаннафатуҳу. – Б. 34.

Ар-Розийнинг балоғат илмига оид ёзган машхур асарининг номи *نَهَايَةُ الْإِعْجَازِ فِي دِرَايَةِ* “*نَهَايَةُ الْإِعْجَازِ*” деб номланган. Ушбу китобнинг ёзилишига Абдул Қохир Ал-Журжонийнинг *“دَلَائِلُ الْإِعْجَازِ”* ва *“الْبَلَاغَةُ أَسْرَارُ”* асарлари туртки бўлган. Ар-Розийнинг ушбу асарининг бир нечта қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар жаҳоннинг турли кутубхоналарида: Искандарияда, Қохирада, Британия музейида, Кембрижда, Дублинда ва Истамбулда сақланади.

Бу асарда 3 та муқаддима бир неча боб, мавжуд бўлиб, боблар қисмларга, қисмлар эса яна майда фаслларга бўлинган. Унда бадий тасвир воситаларига оид мавзуларни тавсиф қилишда Қуръони карим, ҳадис ва жоҳилият даври шеърляти ва ўша даврда мавжуд бўлган алломаларнинг асарларидан намуналар келтирилган¹. Асарнинг муқаддимасида “Балоғат илми”нинг бошқа илмлардан ажралиб турувчи фазилатлари, унинг шарафли илм эканлиги ҳақида гапириб ўтилган. Қуйида ушбу асарда ёритилган айрим масалалар юзасидан Абдул Қохир Ал-Журжоний ва Ар Розийнинг қарашларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Абдул Қохир ал Журжоний ўзининг *“أسرار البلاغة”* ва *“دلائل الإعجاز”* асарларида: “Гапнинг фасийҳ ва балийғ бўлиши гапдаги сўзларнинг бир-бири билан мутаносиблиги, оҳангдошлиги ва бутун гапнинг маъносини очилиши билан белгиланади”, - дейди². Бунда у ҳар бир сўзнинг ўз ҳолича оҳанги, маъноси бўлишига чиройли ёки хунук бўлишига деярли эътибор бермайди. Фахруддин ар-Розий эса гапнинг фасийҳ ва балийғ бўлишида ҳар бир сўзни алоҳида ўрганиш керак деб қарайди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир сўзга талаффуз ва маъно нуқтаи назаридан баҳо бериш мумкин. У сўзларни инсоннинг

тана аъзоларига ўхшатади. Масалан дейди у: “Кўз алоҳида олиб қаралганда шахло, ола, қора, кўк, хумор, қувноқ, қийиқ ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Кўзнинг қандай бўлиши одам танасининг умуман чиройли ёки хунук бўлишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, яъни фақат кўз туфайлигина тана чиройли ёки хунук бўлиб қолмайди. Аммо кўзнинг ўзи алоҳида олиб қаралганда, чиройли ёки хунук бўлиши мумкин. Шунингдек, бино деворига қўйилаётган ҳар бир тош алоҳида олганда яхши ёки ёмон бўлиши мумкин. Ҳудди шунингдек, ҳар бир сўзга ва қолаверса унинг таркибидаги ҳар бир ҳарфга баҳо бериш мумкин. Албатта, фақат ёмон гиштлардан яхши бино қуриб бўлмаганидек, хунук сўзлардан ҳам чиройли гап яшаш мумкин эмас”, – дейди³. Олим гап тузишда сўзларнинг бир-бири билан мутаносиблиги ва маъносига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди.

Шоира ал-Хансанинг шаҳид кетган биродари Саҳрга бағишлаб ёзган қуйидаги байтининг тафсирида иккала олим икки хил фикр билдирадilar.

إِذَا قُبِحَ الْبَكَاءُ عَلَي الْقَتِيلِ
 رَأَيْتُ بَكَاءَكَ الْحَسَنَ الْجَمِيلَ

(Ҳалок этилган устида йиғлаш гарчи хунук бўлса ҳам,

Сенинг йиғингни чиройли ва гўзал кўрдим)

Бу ерда гап *ال-حسن الجميل* сўзларидаги ар-тикли хусусида. Гапнинг асли *بكاءك حسن جميل* тарзидаги исмий жумла, бунда *بكاءك* – мабтадо, *حسن جميل* – хабар. Исмий жумланинг хабари ноаниқ ҳолатда бўлиши керак. Унинг ар-тиклини олиши учун сўзловчи ўз олдида қуйидаги мақсадлардан бирини қўйиши керак:

а) Муболаға мақсадида хабардаги маъно фақатгина мубтадога тегишли деган фикрни англатиш. Масалан:

عمر هو الشجاع - Умар фақатгина у шижо-атлидир.

¹ Таҳа Жабир ал-Алвани. Ал-имам ар-Разий ва мусаннафатуҳу. – Б. 89.

² Абдул Қохир ал-Журжоний. Асрарул балағати. – Байрут, 1998. - Б. 16.

³ Фахруддин ар-Разий. Ниҳайат ал ижаз фи дирайат ал-иъжаз. – Байрут, 2004. - Б. 32.

б) Хабар билдирган сифат муболаға мақсадида эмас, чиндан ҳам фақат мубтадода борлигини таъкидлаш. Масалан:

هو الوفي حين لا تظن نفس بنفس خيرا.

Ҳеч ким ҳеч ким ҳақида яхши фикрда бўлмаган пайтда ёлғиз у (Аллоҳ) вафодордур.

в) шунчаки таъкидлаш мақсадида ҳам бўлиши мумкин¹.

Ал-Журжоний юкоридаги байтдаги ал-артиклларини фақат таъкид учун ишлатилган деб ҳисоблайди², ар-Розий эса бунда таъкиддан ташқари муболаға ҳам бор, яъни чиройли, гўзал бўлган йиғи фақат сенинг йиғингдир” демоқчи шоира деган фикрни билдиради. Бундан ташқари, الحسن сўзида “савобли иш” маъноси борлигига асосланиб, ал-Ханса “бундай йиғи вожиб ҳамдир” демоқчи³.

“Ақлий мажоз” бобида ҳам ал-Журжоний ва ар-Розийнинг фикри бир ердан чиқмаган. “Ақлий мажоз” иш-ҳаракатни бажарувчининг асл номи эмас, балки у билан боғлиқ бўлган бошқа субъектнинг номи айтилиши. Масалан: “Маҳалла буни маъқуллади” гапида иш-ҳаракат маҳаллага иснод қилинган бўлса ҳам, иш-ҳаракатни бажарувчи аслида маҳалла аҳли. Ал-Журжонийнинг фикрича, “ақлий мажоз” ишлатилганда, ҳар доим иш-ҳаракатни бажарувчининг асл номи аниқ равшан бўлиши шарт эмас. Унга матнда бирор ишора бўлса, бас. У бу хусусда шундай деган: “Билгинки, бунда ҳар қандай феълнинг ҳақиқий фоъили (иш ҳаракат бажарувчиси) назарда тутилмаслиги керак, агар иш ҳаракатни унга яъни ҳақиқий фоъилга нақл қилсанг, ҳақиқатга қайтган бўласан”, (яъни ҳеч қандай мажоз бўлмайди)⁴.

¹ Фахруддин ар-Разий. Ниҳайат ал ижаз фи дирайат ал-иъжаз. – Байрут, 2004. – Б. 48.

² Абдул Қохир ал-Журжаний. Далаил ал-иъжаз. – Байрут, 1994. – Б. 135.

³ Фахруддин ар-Разий. Ниҳайат ал ижаз фи дирайат ал-иъжаз. – Байрут. 2004. – Б. 52.

⁴ Абдул Қохир ал-Журжаний. Асрарул балағати. – Байрут, 1998. – Б. 165.

Масалан: “ربحت تجارتهم” – “Уларнинг тижоратлари фойда кўрди” ўрнига “ربح في تجارتهم” – “Улар ўз тижоратларида фойда кўрдилар”, - дейилса ёки шу кўзда тутилса, мажоз бўлмайди.

Ар-Розий бўлса, فاعل – иш-ҳаракатни бажарувчи аниқ бўлиши керак дейди. У жумлада феъл бўлса-ку, эга бўлмаса, жумла жумла ҳисобланмайди, деган фикрни билдиради⁵.

Ал-Журжоний фоъил ҳатто кишининг онгида, тасаввурида ҳам зоҳир бўлишини зарур деб ҳисобламаса-да, ар-Розий буни зарур деб ҳисоблайди.

У “سرتني رؤيتك” – “Сени кўриш мени қувонтирди жумласини” “سرتني الله وقت رؤيتك” – “Сени кўрганда, Аллоҳ мени қувонтирди” деб, “أنيت الربيع البقل” – “Баҳор сабзавотларни кўкартирди” жумласини “أنيت الله البقل وقت الربيع” – “Аллоҳ баҳорда сабзавотларни кўкартирди” деб, “الطبيب المريض شفي” – “Табиб касални тузатди” жумласини, “شفي الله المريض عند علاج” – “Аллоҳ касални табиб даволаганида тузатди” деб тушунмоқ керак дейди.

У кўпгина мисоллар келтириб, уларнинг ҳақиқий фоъили Аллоҳ таъолодир деб тушинишни ақдан идрок этишни зарур деб ҳисоблайди.

Иккала олимнинг фикри ҳар хиллигини исмий жумладаги мубтадо ва хабар масаласида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, исмий жумлада одатда мубтадо биринчи ўринда ундан кейин хабар қўйилади. Лекин маълум мақсадларга кўра, мубтадо хабардан кейин қўйилиши мумкин. Бунда у مبتدا مؤخر, яъни “кечиккан эга” дейилади. Масалан: “زيد” “منطلق زيد” ва “منطلق زيد” жумлаларининг ҳар иккисида ҳам “زيد” мубтадо ҳисобланади. Одатда, мубтадо аниқ ҳолатда, хабар ноаниқ ҳолатда бўлиши мумкин. Бундай ҳолни аз-Замахшарий ҳам кўрсатиб ўтади. Унинг “وقد يجيئان معرفتين نحو: الله إلهنا ومحمد نبينا”

⁵ Фахруддин ар-Разий. Ниҳайат ал ижаз фи дирайат ал-иъжаз. – Байрут, 2004. – Б. 178.

Яъни уларнинг иккиси (мубтадо ва хабар) аниқ ҳолатда келиши мумкин: “Аллоҳ тангримиз, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбаримиздир”¹. Шунда савол туғилади: иккаласи ҳам аниқ ҳолатда бўлса, уларнинг қайси бири мубтадо ва қайси бири хабар бўлади?

Ал-Журжоний бу хусусда: “Агар мубтадо ва хабар аниқ бўлса, у ҳолда қайси бири олдин келса, ўша мубтадо бўлади”, дейди². Бу масала “Балоғат илмига алоқадор бўлса ҳам, аслида кўпроқ нахвга оиддир. Бу хусусда нахв олимларининг ҳар хил фикрлари мавжуд. Фахруддин ар-Розий ушбу масала юзасидан қуйидаги фикрни билдиради:” Исм, яъни от одатда мубтадо, васф эса хабар бўлади. Бунда исм - от деб, муайян турғун тушунча - субстантни ёки васф - сифат деб атрибут, яъни у ёки бу субстантга хос бўлган хусусият сўзлар кўзда тутилади. Сифатланмиш – الموصوف гапнинг қаерда туришидан қатъий назар мубтадо бўлади, сифатловчи الوصف، الصفة эса хабар бўлади. Шунга кўра، خالقنا الله ва الله خالقنا гапларининг ҳар иккисида الله сўзи мубтадо бўлади³.

Юқорида келтирган маълумотларимиз асосида қуйидаги хулосаларни келтиришимиз мумкин:

1. Фахруддин ар-Розий ўз замонасининг машҳур қомусий олимларидан бўлган. Унинг барча илмларнинг билимдони бўлганлигини етиштирган шогирдлари орасида дунёга танилган Нажмиддин Кубро, Тожуддин ал-Армавий, Шамсуддин ал-Хусравшохий, Султон Шаҳобуддин каби ўз замонасининг машҳур олимлари борлигидан ҳам кўриш мумкин.

2. Ар-Розийнинг Райдан Хоразм, Бухоро, Самарқандга илм истаб келиши ўша даврларда бу шаҳарларнинг илм маркази бўлганлигини яна бир далилидир.

3. Фахриддин ар-Розийнинг балоғатга оид ёзган асарлари тарихчиларнинг: “Араб тили билан боғлиқ филологик илмлар асосан XI асргача шаклланиб, ўз камолига етган, ундан кейин бу соҳада турғунлик даври бошланган” деган фикрларини нотўғрилигини кўрсатади.

Фахруддин ар-Розийни балоғат илмининг шайхи ҳисобланган Абдул Қохир ал-Журжонийнинг “أسرار البلاغة” ва “دلائل الإعجاز” асарларини ўрганиб, улардаги ҳар бир масала юзасидан ўз ёндашувларини билдириши унинг “балоғат илми”да ютуқларга эришиб, уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини киритганидан далолатдир.



¹ аз-Замахшарий. Ал-унмузаж. 1999. – Б. 16.

² Абдул Қохир ал-Журжоний. Далаил ал-иъжаз. – Байрут, 1994. – Б. 57.

³ Фахруддин ар-Розий. Ниҳайат ал-иъжаз фи-дирайат ал-иъжаз. – Байрут, 2004. – Б. 137.